



# ХОТИРА БОР ЭКАН, МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

O'zbekiston - kelajagi buyuk davlat

# SADQAT

Tuman ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Gazeta 1971 yil sentabrdan chiqib boshlagan

№ 17-18 (4468-4469) 2021-yil 7 - may, juma

Bahosi erkin narxda

## ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Яқинда туман ҳокимлигида Халқ депутатлари Касби туман Кенгаши-нинг VI чақириқ йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибидан долзарб ва ечим топилиши зарур бўлган масалалар ўрин олди.

Сессияда Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 1 чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағларни йўналтириш, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетда 2021 йилда шаклланди. Қўшимча манбаларни "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" га йўналтириш, туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 1 чорак ижроси

ва чорак давомида киритилган ўзгартиришлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, сессияда депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Касби туман Халқ қабулхонаси, секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарларининг аҳоли муҳофизатлари билан ишлаш ҳолати юзасидан 2021 йил 1-чоракда амалга оширилган ишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 декабрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларни солиқ тўлаш муддатларини ўзгартириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида" ги 776-сонли қарори ижросига эътибор қаратилди. Туманда "Обод қишлоқ" дастури доирасида 1 чоракда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йил якунига қадар бажарилиши режалаштирилган вазифалар белгилаб олинди. Шу билан бирга сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг 2021 йил 3 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид



Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, туманда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби бир неча масалалар муҳокама этилди.

**Туроп ТУРСУНОВ,**  
Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудир.

## Иброҳим ПАЙДО УРУШ

Кузгун қонсираган замонлар эди,  
Очлик-бир парча нон армонлар эди.  
Одамзотни қадри арзонлар эди,  
Уруш номинг ўчсин жаҳонда!

Ота, деб чирқирар эди гўдаклар,  
Эгасиз қоларди бешик, йўрғаклар.  
Қайга борсанг нола, сўнгсиз инграклар,  
Уруш номинг ўчсин жаҳонда!

Фашист, фашист эди, азозил эди,  
Дунё бир қонталаш, қип-қизил эди.  
Қайга борсанг ҳар ён оғриқ дил эди,  
Уруш номинг ўчсин жаҳонда!

Норғул йигитларни тут каби тўкиб,  
«Қора хат» келарди қадларни букиб.  
Эл чўкиб борарди, ёраб эл чўкиб,  
Уруш номинг ўчсин жаҳонда!

Шукур қил, Иброҳим отгучи тонгга,  
Эртанга шукур қил, эртанга.  
Оллоҳим нур берсин Ўзбекистонга,  
Уруш номинг ўчсин жаҳонда!



## ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Ориф Тўхташ болалар шоири. У 1976 йилда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида зиёли оиласида дунёга келган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Шоирнинг "Ғунчалар табассуми", "Қуёш йўли", "Кўнгилга ташриф", "Ватан атри" шеърини тўпламлари нашр этилган. Шоир туманида бўлиб, 11-Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ўқувчилар билан учрашди. Мактаб директори Азиз Камолов шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Шоир ўқувчиларга китоб ўқиш, комилликка интилиш ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён қилиб берди. Учрашувда учинчи ренессансни яратиш ҳақида сўз борди. Шоир юртимизда яшаб ўтган бир қанча улғу алломаларнинг ҳаёт йўли ва фаолияти тўғрисида ўқувчиларга мароқ билан сўзлаб берди.



Кечада шоир янги шеърларини ҳам ўқувчи ва ўқитувчилар ҳукмига ҳавола

қилди. Мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулҳумор Шодмонова ўзи ёзган "Бойчечак" номли шеърни ифодали ўқиди. Мактабнинг 6-синф ўқувчиси ёш бахши Жавохир Жумаев айтган термалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шоир Ориф Тўхташ билан учрашув Юксалиш маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳам бўлиб ўтди.

**А.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси раҳбари.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан туманимизда истиқомат қилувчи Мирзо бобо Жўраев, Хайрулло бобо Шерматов, Эрка бобо Назаровлар тақдирланди.

Уруш қатнашчиларининг хонадонларига туман ҳокими, сектор раҳбарлари, вилоят ҳарбий қисм масъул ходимлари байрам муносабати билан фахрийларни табриқлаш мақсадида ташриф буюришди.

## ФАХРИЙЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Туман ҳокими Тўхтамурод Мейлиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уруш фахрийларига юборган табриқномасини ўқиб эшит-



тирди. Шунингдек, уруш қатнашчиларига кўрсатган жасоратлари учун байрам муносабати билан Президент со-

аҳолини уй-жой билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, муҳтож оилаларни ижтимоий ва молдаврий қўллаб-қувватлаш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига фаол жалб этиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, энг асосий масала берилмаётган имтиёزلарни қўллаш бўйи-

ча адолатли тизим яратиш, бу борада одамларимизнинг хабардорлигини ошириш, энг муҳтож оилалар

## КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

рўйхатини шакллантириш, қурилиш сифатини назорат қилиш ҳамда уй-жойлар нархини адолатли шакллантириш устидан парламент назоратини йўлга қўйишдан иборат. Бу борада белгиланган вазифалар ижросини ташкил этишда

вағси - 12 миллион сўм пул маблағи ва Тошкентдаги "Ғалаба боғи"да жойлашган генерал Собир Раҳимов жасорати акс этган монументнинг олтин суви югуртирилган нусхаси топширилди.

жамоатчилик, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳузурида "Халқпарвар" комиссияси ташкил этилди. "Халқпарвар" жамоатчилик комиссияси янги қурилатган уйларни ўз эгасига етиб боргунча бўлган босқични назорат қилади.

**Туман ҳокимлиги ахборот хизмати**



да туғилган. Отаси "Мирза", "Фулом" тахаллуслари билан газаллар машқ қилган. Демак, оиладаги муҳит Ғофир Фуломнинг машхур шоир бўлиб етишига пойдевор бўлган, десак хато қилмаймиз.

Ғофир Фулом болалигиданоқ етим қолди. У тирикчилик важдан этиқдўз қосибга ёрдам-

**10 май - Ғофир Фулом таваллуд топган кун**

ган. Кейинчалик "Шум бола" номи билан чоп этилади. Асарнинг ҳозирги ҳолатидаги мукамал варианты китоб ҳолида 1963 йилда адибнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан нашр этилади.

"Тугалланган" эмас, "Мукамал" дейилиши

нади.

Абдулла Қаҳҳор ижодида сўзни тежаш, сиқиклик аломатларини кузатсак, Ғофир Фулом ижодида ўйноқлик, сўздан эркин фойдаланиш ҳолларини кўрамиз.

Унинг "Вақт", "Соғиниш", "Кузатиш" деб номланган шеърларида инсоннинг-инсонга, отонанинг фарзандга, фарзанднинг Ватанига ва умуман она заминга чексиз муҳаббати, ҳаётга садоқати бадиий ифода қилинган. Шунинг учун Ғофир Фуломнинг ҳар бир шеърида шоҳ сатрлар мужассам, десак муболаға бўлмайди.

**Дилдора НАЗАРОВА,**  
**32-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**

**ҚАДР КЕЧАСИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ**



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Кишиларимиз Рамазон ойининг "Лайлатул қадр" кечасининг қандай фазилатлари бор? Унда қандай амалларни бажариш кераклиги ҳақида кўплаб мурожаат қилишадди.

Қадр кечаси ва ундаги фазилатлар тўғрисида Аллоҳ таоло Қуръони каримда "Қадр" номли бутун бир сура нозил қилган: "Албатта, Биз У (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад) Қадр кечаси нима эканини Сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У (кеча)да фаришталар ва Рух (Жаброил) Парвардигорининг изни ила (йил давомида қилинадиган) ишлар (режаси) билан (осмондан ерга) тушарлар. У (кеча) тонг отгунча саломатлиқдир" (Қадр сураси).

Қадр кечаси Рамазон ойининг нечанчи кечаси эканини Аллоҳ ва Расули томонидан сир тугилган. Саҳобалар Расули акрам алайҳиссаломдан уни қайси кеча эканини сўраганларида ойнинг учинчи ўн кунлигининг тоқ кечаларидан излаш кераклигини айтганлар ("Тафсири Бағавий").

Пайғамбар алайҳиссалом ушбу кечани тунлари ибодат билан ўтказишга тарғиб қилар эдилар.

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо шундай дейдилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазоннинг охириги ўн кунлиги келса, кечалари уҳламас эдилар ва уйдагиларни ҳам ибодат қилишга уйғотар эдилар".

Ҳадиси шарифлардан бирида Набий алайҳиссалом: "Ким Лайлатул Қадр кечасини имон ва ихлос билан бедор ўтказса, унинг шу кечагача қилган гуноҳлари мағфират қилинур" - деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Демак, Рамазон ойининг ушбу фазилатли кечаларини ганимат билиш, уни тоат-ибодат ва солиҳ амаллар билан ўтказишга ҳиммат қилишимиз, кўпроқ ибодат, намоз, зикр, Қуръон тиловати ҳамда илтижо, тазарруъ дуолар билан ўтказишимиз керак. Айниқса, ушбу кечада Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам таълим берганларидек:

"Эй Аллоҳ, албатта Сен гуноҳларни афв қилувчи Зотсан, афв қилишни яхши кўрасан, бизларни афв эт" дуосини кўп айтиш мақсадга мувофиқ. Валлоҳу аълам.

**Улуғбек АМИНОВ,**  
**туман бош имом хатиби.**

**ШОҲ САТРЛАР МУАЛЛИФИ**

**Азиз асримизнинг, азиз онлари, Азиз одамлардан сўрайди қадрин. Фурсат ганиматдир шоҳ сатрлар-ла, Безамоқ чоғидир умр дафтарин.**

Машхур шоир ва ёзувчи Ғофир Фулом 1903 йил 10 майда Тошкентдаги Кўрғонтеги маҳалласида камбағал-деҳқон оиласи-

лашар, кундуз кунлари сингилларини боқиб, кечқурун тегирмонда қоровуллик қилиб, Сарибой деган бойнинг боғини ҳам қўриқлайди. "Шум бола" асари ҳам айнан ёзувчининг ҳаёти акс этган автобиографик асар ҳисобланади. Бу асар 1936 йилда ёзилган бўлиб, дастлаб "Довдираш" номи билан атал-

боиси шундаки, қисса ниҳоясида "Биринчи китоб тамом" деган маълумот бор. Шунга қараганда ёзувчининг қиссани давом эттириш нияти бўлган.

Адибни бекорга шоҳ сатрлар муаллифи, деб атамадик. Чунки ҳар бир ёзган шеъри ва асарлари улкан бойлик, олтинга тенг сатрлар ҳисобла-

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага 76 йил тўлди. Ўзбек халқи ҳам 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган бу урушда иштирок этиб, қозонилган ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ота боболаримизнинг уруш йилларида кўрсатган мардликлари ва қаҳрамонликлари биз учун жасорат мактаби бўлиб қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдирди. Бу урушда қозонилган ғалаба мамлакатимизда "Хотира ва қадрлаш куни" сифатида кенг нишонланади.

Биз тарихга назар ташлашга ва ундан ибрат олишга ўрганганмиз. Тарихий ҳақиқатлар бизни қадриятларимизни қадрлашга, яхшиларни ёд этиб, тирикларни асраб-авайлашга ундайди. Мисли кўрилмаган жанг-жадалларда 68 та давлат иштирок этиб, бу уруш

47 мамлакат худудида бўлиб ўтган. 60 миллионга яқин

киши урушда бевосита иштирок этган бўлса, булардан 27 миллион киши жанг майдонларида, 5 миллиондан кўпроқ киши ҳарбий дала госпиталларида ва лагерларида вафот этган. 27 миллиондан ортиқ киши эса концлагерларда қийноқларга чидай олмай жон тақдим қилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандаёқ мамлакатимиздан 1 миллион 951 минг кишидан ортиқ ватанпарварлар урушга отланган. Уларнинг 538 мингдан ортиғи жанг майдонларидан қайтиб келмаган.

Мамлакатимизда фронт ортини мустақамлашга хотин-қизлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган. Деярли барча ишлар улар зиммасида қолган эди. Қалбида ватан туйғуси жўш урган кўплаб хотин-қизлар фронтга жўнаб кетган акалари, укалари ва турмуш ўртоқлари ўрнига фақат эр-



**УРУШНИ НОМИ ЎЧСИН !**

какларгина бажариши мумкин бўлган юмушларни ўз зим-

маларига олиб, завод ва фабрикаларнинг кечаюкундуз ишлашини таъминлашга ҳисса қўшганлар.

Бизнинг қишлоғимиздан ҳам Наби бобо Бойназаров, Шариф бобо Рўзиев, қўшни Жизза қишлоғида Азим бобо Ҳамраевлар уруш қийинчиликларини кўриб, ватанига қайтишган. Уларни уруш вақтидаги хотираларини кўп тинглаганмиз. Фронт иштирокчилари бўлган бу отахонлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хунрезликлар ҳақида гапириб беришган. Ўшаларни эсласак, беихтиёр "Уруш номинг ўчсин жаҳонда" деган калом тилимизга келади.

Ҳа, урушнинг номи ўчсин!

**Тоштемир ҲАМИДОВ,**  
**Ризо БОЗОРОВ,**  
**"Садоқат"нинг жамоатчи мухбирлари.**

"Хотира ва қадрлаш куни" яқинлашмоқда. Бу байрам арафасида барча ўтган фидойи инсонларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш азалий ўзбекона урф-одатларимиздан бири ҳисобланади.

**Хотира бор экан, тирикдир миллат, Тирикдир ифтихор, тирикдир ғурур. Хотира-элни халқ этгувчи қудрат, Хотира-эртани ёритгувчи нур.**

Мен қадрли баланд бўлган уч инсон ҳақида тўхталмоқчиман. Улардан бири биринчи устозим Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, бир қатор медал ва унвонлар соҳиби, марҳум Исо домла Азизовдир. Мен ва 24 нафар синфдошларим устозимиздан 4 йил бошланғич билимни олганмиз. Биз устозимиз Исо домланинг энг сўнгги битирувчилари ҳисобланамиз. Устозимнинг заҳматли меҳнатлари туфайли илм сирларини эгалладим. Ҳаётлик чоғларида синфдошларимиз билан устозимизни кўргани бориб турардик. Афсуски, ўтган йили Исо Азизовни бешавқат ўлим орамиздан олиб кетди. Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин!

Яна бир устозим ва мен фахр билан қадрлаб айтмоқчи бўлганим, 16-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, олий тоифали педагог Каромат Юсуповадир. Мени ўқитувчи деган шарафли

касбни эгаллашимда устозимнинг хизматлари бениҳоя катта. 5-синфдан 11-синфгача она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб, шу фанга мени қизиқтирганлар. Устознинг умри



**УСТОЗ - АЗИЗ ЗОТ**

узоқ бўлсин! Мен каби шогирдларига таълим-тарбия беришда ҳеч қачон чарчамасинлар.

Мен учун яна бир буюк шахс, ҳа мен бу инсонни бемалол буюк деб айта оламан, (Илоҳим охиратлари обод бўлсин!) устозим,

**Хотира ва қадрлаш – муқаддас туйғу**

марҳум Алимардон домла Эшонқулов бўладилар. 20 ёшимда, ҳали ҳаёт деб аталмиш улкан кемада сузишни билмаган чоғимда, мени 21-умумий ўрта таълим мактабининг остонасида очик чехра билан кутиб олган инсон устозни эсламасам бўлмас. Ўқитувчилик фаолиятимни бошлашда, жамоада ўзаро фикр алмашишда, устоз сифатида шаклланишимда Алимардон домланинг хизматлари ниҳоятда арзигуликдир. Раҳбарликлари давомида барчага бирдек муомилада бўлардилар. Латофатжон, дея ҳурматимни жойига қўйган ҳолда касб сирларини ўргатганларини асло унутмайман. Афсуски, бешафқат ўлим устозни орамиздан олиб кетди. Устоз биз шогирдлари қалбида мангу яшайдилар. Устозларни шамга қиёслаймак. Улар ўзи ёниб, шогирдлар қалбига чўғ ташлайди. Марҳум устозларни хотирлаш, тирикларни эъзозлаш ҳам фарз, ҳам қарз.

**Латофат НОСИРОВА,**  
**21-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

## ГАЗЕТАНИНГ ИЛК МУҲАРРИРИ

**Муваффақиятга эришиш учун эмас, ҳаётинг маъно касб этиши учун интил. Одамнинг ҳаёти бошқалар ҳаётини қай даражада гўзал ва мазмунли этганига қараб аҳамиятлидир.**

**Альберт ЭЙНШТЕЙН.**

"Садоқат" газетаси (ўша пайтдаги номи "Ленинчи") чиқа бошлаган пайтда биз ўқувчи эдик. Газетани ҳар бир сонини интиқлик билан кутар, чиққан мақолаларни қолдирмасдан ўқишга қизиқардик.

Она тили ва адабиёти фани ўқитувчимиз Кенжа Ҳамдамов бизнинг синфга раҳбар бўлиб, ўқувчиларни турли газеталарга обуна қилган. Ўқувчилар туман газетасига ҳам ўз ихтиёрлари билан обуна бўлишарди.

Туман газетаси ҳафтада уч марта ўз вақтида қўлимизга тегар, унда босилган мақолаларни мириқиб ўқиб борардик. Бир куни ўқитувчимиз она тили дарсида синфимиз ўқувчиларига мақола ёзилиши ҳақида машғулоти олибборди. Ўқувчиларга ўзлари истаган мавзуда мақола ёзиб келиш уйга вазифаси қилиб берилди.

Ҳамма қатори мен ҳам мақола ёзиб келдим. Мақолам қишлоқдаги шифокор ҳақида эди. Ўқитувчимизнинг маслаҳати билан мақолани конвертга солиб туман газетасига жўнатдим. Мақолам кўп ўтмай газетанда босилиб чиқди. Шундан сўнг менга газета муҳаррири Мавлон Бобононовдан хат келди. Унда тез-тез қишлоқ ҳаёти акс эттирилган мақолалар ёзиб туришим ва мақолаларимда эътибор беришим керак бўлган асосий жиҳатлар нималардан иборатлиги аниқ ва равшан кўрсатилган эди. Шу-шу мақола ёзиш севимли машғулотимга айланиб қолди. Касб байрами кунлари Мавлон Бобононов ишчи-қишлоқ мухбирларини албатта таҳририятга чақирар ва ўзига хос тарзда байрам уюштириб, уларни "Фахрий ёрлик" ва бадий китоблар билан тақдирлаб борар эди. Уларни эгаларига ўз қўли билан топширарди.

Педагогика олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларимда туманга талабаларни ёзги дам олиш масканида амалиёт ўташ учун юборишди. Туман

Ёшлар ташкилотига бориб, институтдан берилган йўлланмани кўрсатдим. Туманда оромгоҳ йўқ. Амалиёт муддати ўтганидан сўнг келиб ҳужжатингизни олиб кетасиз, дейишди. Шунда Мавлон Бобононов кўриб қолиб, унда таътил тугагунча таҳририятда ишлаш қол, бизга мусахҳиҳ керак, деб тўғри муҳарририятга етаклаб келдилар. Уч ой муҳарририятда мусахҳиҳлик қилдим.

Мавлон Бобононов билан яна ҳам яқин бўлиб кетдик. Мавлон ака Месит қишлоғида туғилган бўлиб, мактабда аниқ фанларни "аъло" баҳолабга ўзлаштирган, математика ва физикани яхши билар эди. Шу сабабли ҳам Қарши давлат педагогика институтига кириб, институтни 1964 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ўқитувчилик қилган.

Журналистика соҳасига қизиқиши туфайли Косон туманида чиқадиган "Шарқ юлдузи" газетасида ишлаган. Тез орада газетанинг оддий ходимлигидан қишлоқ хўжалиги бўлимнинг мудири, сўнг газета муҳаррири вазифасига кўтарилган.

Мавлон Бобононов 1966 йилнинг сентябрь ойидан вилоят газетаси "Қашқадарё ҳақиқати" (ҳозирги "Қашқадарё") газетасига ишга ўтди. Газетанда турли лавозимларда ишлади. Вилоят ҳаётини матбуотда турли жанрдаги мақолалари билан ёритиб борди, обрў-эътибор топди.

1971 йилда Қашқадарё вилоят партия комитети йўлланмаси билан вилоят нашри "Қашқадарё ҳақиқати" (ҳозирги "Қашқадарё") бўлим мудири бўлиб ишлаб турган Мавлон Бобононов янги ташкил этилган Ульянов (ҳозирги Касби) туман газетаси "Садоқат" (ўша пайтдаги "Ленинчи") газетасига муҳаррир бўлиб иш бошлайди.

Туманимиз 1970 йил 16 октябрда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди катта эди. Туманга дастлаб Ульянов номи берилган бўлиб, ҳозирги Касби номи Мустақилликдан кейин, 1992 йилда олган.



1971 йилнинг 1 июлида туманда босмаҳона фаолияти йўлга қўйилган. 1 августдан муҳаррият фаолият бошлаган.

Дастлаб газетанда ишлайдиган журналистлар ҳам бўлмаган. Мавлон Бобононов маҳаллий ёшлардан жамоани шакллантирган. Қарши туман газетасида ишлаб юрган Жўра Юсупов, Ҳасан Маҳмудов, жиззалик Карим Чориев, чандирлик Ризо Омонов, қарликлик Абдуҳолик Мустафоев, Хўжақасби қишлоғидан Файзулла Ҳожиев, Бешкент шаҳридан Абдиҳомид Абдуллаевлар таҳририятда ишлаш бошлайди.

- Мен ҳозирги Миллий университетини журналистика факультетини битиргач, бир йил Сурхондарё вилоятида радиокомитетда мухбир бўлиб ишладим. Шундан сўнг у киши муҳаррирлик қилаётган туман газетасига ишга келдим. Мавлон Бобононов ўз ишини пухта биладиган муҳаррир бўлибгина қолмасдан, босмаҳона ишини ҳам мукамал ўзлаштирган мутахассис эди. Газетани ўз вақтида газетхонлар қўлига этиб бориши учун тиним билмасди. Журналистларга эркин ижод қилиш имконини бериб, газетанинг янги сони режалаштиришда тайёр материаллар режага киритилгач, янги топшириқлар берар эдилар. Мен газетга оддий мухбир бўлиб ишга келган эдим, қишлоқ хўжалик бўлими мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва Муборак туман газетасида узоқ йиллар муҳаррирлик қилдим, менга Мавлон ака журналистикадан мукамал сабоқ берди, дейди Мавлон Бобононовнинг шогирдларидан фахрий журналист Жўра Йўлбарсов.

Туманимиз ташкил бўлганига ҳам эллик йилдан ошди. Ўтган давр ичида газетхонлар туманимиз газетасининг 4467 сонини мутола қилиб улгуришди.

Мавлон Бобононовдан кейин Жўра Юсупов, Муҳиддин Жўраевлар муҳаррирлик қилган даврларда ҳам газета газетхонлар эътиборини қозонди.

Газетанда фаолият юритган журналистлар билан биргаликда Худойберди Назаров, Элли Эшонкулов, Таштемир Ҳамидов, Сафарбой Доллиев каби ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳам Мавлон Бобононовдан ижод сирларини ўрганиб, ўзларининг ўқимишли мақолалари билан эътибор топишган.

Мавлон ака Бобононов ҳозир ораимизда йўқ. У кишининг ҳаёт йўли ибрат олса арзигулик.

**Бахтиёр РАЖАБОВ.**

Иккинчи Жаҳон урушининг изтироблари Қамаш қишлоғида яшаб ўтган, тўқсон етти ёшида оламдан ўтган Норжон момо Ражабовани ҳам четлаб ўтмаган. Момо тириклигида кўп суҳбатлашганман. У киши 1941 йил зиёли, касби ўқитувчи бўлган Сори Хўжаматовга турмушга чиққан. Ўша пайтлардаги суҳбатларимизда момо, 1941 йил охирида оила қурганимга эндигина



### МАТОНАТ ТИМСОЛИ

тўрт ой бўлган эди, дея сўзлаганди. Турмуш ўртоғи Сори Хўжаматов ҳамда қайноғаси Ҳайит Хўжаматовлар урушга кетган. Ҳаётни паст-баландини, яхши-ёмонини, турмушининг яна бошқа кўп жиҳатларини тушуниб улгурмасиданоқ момо ёлғиз қолди. Ҳаётни ёзигини қарангки, касби ўқитувчи бўлган Сори Хўжаматов урушга кетганидан бироз вақт ўтмай, ўқитувчилар урушга бормас экан, деган хабар тарқалди. Бу вақтда Сори Хўжаматов аллақачон фронтда эди. Момо тақдирига тан берди. Кўп ўтмай ўғил фарзанд дунёга келди. Бу Норжон момога умид бахш этди.

Қишлоқда меҳнатга яроқли эркак деярли қолмаган эди. "Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!" шиори ўртага ташланган, онахон қишлоқ хўжалик ишларида қатнашди. Фронтга мадад бўлсин, деб ҳалол меҳнат қилди. Қишнинг қаҳратонида, ёзининг жазирасида тиним билмади. Меҳнатлари муносиб тақдирланди. Кўксини орден ва медаллар бевазиди.

Онахоннинг бағри хун бўлди. Чунки турмуш ўртоғидан "қора хат" келган эди. Кўп вақт ўтмай қайноғаси Ҳайит Хўжаматовдан ҳам "қора хат" олишди.

Бу кўргуликларни сабр-матонат билан енган онахон умидсизланмади. Яккаю-ёлғиз фарзанди отасининг дийдорини кўриш насиб қилмаган Иноқ Сориевни еру-кўкка ишонмай катта қилди, яхши тарбиялади. Ҳаёт момони яна армонда қолдирди. Аввал Иноқнинг қирқ икки ёшли турмуш ўртоғи, сўнгра ўзи вафот этди. Улардан қолган 8 нафар фарзандни ўстириш, вояга етказиш Норжон момонинг зиммасида қолди. Дили ўксиган пайтларда набираларига сездирмай, уларга ҳаёт қувончларини бахш этишда давом этди. Набираларидан 25 нафар эвара, 16 нафар чевараларни тарбиялаб, 2019 йилда 97 ёшида ҳаёт билан видолашди.

Момони хотирлаш, тинчликни қадрига етиш, уруш оқибатларини ёдга олиш, тинч-осойишта яшаётганимизга шукрона қилишга ундайди. Норжон момо Ражабова - муқаддас аёл. У кишининг тақдир йўлини хотирлаш ҳар биримизни ўйга толдиради. Ҳаётни қадрига етишга ундайди.

**Малоҳат ЗАРИПОВА,**  
17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

### МАЪРИФАТ ФИДОЙСИ ЭДИ



Раҳимжон Ўринов 1958 йилда Хўжахайрон қишлоғида туғилган. Она дийдори Раҳимжонга насиб этмади. Онаси тўлғоқ даврида оламдан ўтди. Уни Роҳат аммаси парваришлаб, катта қилди. Раҳимжоннинг пешонасига отасизлик ҳам битилган экан. Ёшлигидаёқ отаси ҳам автоҳалокатга учради. Бобоси ва момоси қарамоғида қолган ёлғиз ўғил, қишлоқдаги ҳозирги 12-умумий ўрта таълим мактабида ўқиди.

Математика ва физика фанига иштиёқи уни Қарши давлат педагогика институтининг физика ва умумий техника фанлари факультетининг физика бўлимига етаклади. 1976-1980 йилларда институтда ўқиган Р.Ўринов ўзи таълим олган қишлоқдаги мактабга физика фани ўқитувчиси бўлиб қайтди.

У ўқувчиларга физика ва астронимия фанидан сабоқ берди. Ота-оналар, педагогик жамоа ва ўқувчилар хурмат-эътиборини топган Раҳимжон Ўринов 1985 йилда 34-умумий ўрта таълим мактабига ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасига тайинланди.

Ўзининг фидойилиги туфайли илм масканида давомат ва ўзлаштириш борасида юқори кўрсаткичларни таъминлашга ҳисса қўшди. Метод кенгаш раҳбари сифатида барча метод бирлашмаларнинг режа асосида ишлаганлиги туфайли мактабда ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ошди. Ўз ишини тўғри йўлга қўйди. Бу ўқувчиларнинг фанлардан сифат ўзлаштиришини юқори бўлишига олиб келди.

Раҳимжон Ўринов 1991 йилда мактаб директори лавозимига лойиқ кўрилди. Бу ишонч маърифат фидойиси бўлган Р.Ўриновнинг масъулиятни янада оширди.

Мактаб таълимини юксак савияда ташкил этиш учун бор куч-ғайратини сарфлаб у бошқаруви даврида ўқитувчи, ишчи-хизматчи, ота-она ва ўқувчиларнинг ҳеч бир талабини эътиборсиз қолдирмаслиги, талабчанлиги, ўз ишини пухта билиши, ҳар доим янгиликларни таълим-тарбияга жорий қила билиши туфайли жамоада соғлом ижодий муҳит яратди.

Ҳа, устоз вақт топиб ўқитувчиларнинг дарсини таҳлил қилар, камчилигини рўй-рост айтиб, ютуқларини эътироф қилиб борар эди.

Устоз мактабга умрининг охиригача раҳбарлик қилди. Меҳри дарё устознинг раҳбарлик фаолиятидаги одиллики, инсоний фазилатларини эслаш биз учун фарз. Бундай инсонлар дунёга камдан-кам келади.

**Бугун Сизни эслаб турибман устоз,**

**Кўплаб шогирдингиз қатори.**

**Қанча эъзозласак шунчалар-ки оз,**

**Оллоҳ насиб этсин жаннат баҳорин.**

**Гулруҳ ФАЙБУЛЛАЕВА,**

**34-умумий ўрта таълим мактабининг кадрлар бўйича менеджери.**

"Болага юз марта гапириб тунтиргандан кўра, бир марта ҳеч бўлмаганда суратини кўрсатиб, асл моҳиятини аниқлашнинг бир умр эсида қолади. Бу Сиз учун осон, чунки сиз табиатшунослик фани ўқитувчисисиз. Теварак - атрофнинг ўзи сиз учун кўргазмалар қурол-ку". Мактаб директори И. Сайдалиев (Охиратлари обод бўлсин!)нинг бу ўғитлари Душанбе Давлат педагогика институтининг тупроқшунослик ва география факультетини тугатиб келган, табиатан ўта қизиқувчан, тиришқоқ ўқитувчи Ярашжонга бир умр дастуруламал бўлди. Мактабда табиат, география, биология, кимё фанларидан ўқувчиларга дарс ўтар экан, машғулотида "қуруқ қўл билан" фақат журнални кўтариб киришга виждони ҳеч ҳам йўл қўймади.

Ўз касбини севган Ярашжон ўзига биркирилган фан кабинетини турли суратлар ва ҳикматли сўзлар билан безашга, синф деворларига турли ўсимлик ва гиёҳларнинг жонли кўринишини бежирим ойнали рамкачаларга солиб илби қўйишга қизиқар, кечалари билан турли кўргазмалар ясар, кун-сайин унинг хонаси ана шундай кўргазмалар билан тўлиб борар эди. У жуда кузатувчан, келажакни кўра оладиган ёш ўқитувчи бўлганлиги учун эрта баҳорда далаларда эндигина икки қулоқ бўлиб униб чиққан, кўсак боғлаган ва чанокларига сиғмай кўпириб турган ҳолатдаги пахтали гўза поясидан дарсхонасига келтириб кўргазмалар қурол ясарди.

И. Сайдалиев Ярашжоннинг фаолиятини кузатар экан, унда илмга

бўлган қизиқиш кучли эканлиги сабабли унга ўқитувчилик фаолиятини давом эттириш билан бирга Ўзбекистон Пахтачилик илмий текшириш институтининг Қашқадарё филиалида ҳам илмий ходим бўлиб иш-лашни, илмий иш олиб боришини маслаҳат берди. Бу таклиф ёш, изланувчан бўлғуси олимга маъқул тушди. 1976 йилда Яраш Бўриев Ўзбекистон Пахта-



тўпламлар ва журналларда 80 га яқин илмий, 4 та тавсия, маҳаллий матбуотларда қарийиб 70 га яқин илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди. Яраш Бўриевнинг илмий ишлари Россия Федерацияси, Қозоғистон республикаси матбуотида нашр этилган.

Яраш Бўриев нафақат илм-фан соҳасида мақолалари билан, ёш-

Рамиз Зоҳиров билан биргаликда ёзган "Денов -она юртим", Тўра Шоймардонов билан ҳамкорликда тўплаган "Бу ажиб дунё", ўз илмий ишлар асосида ёзган "Қарши чўли шароитида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агрономияси" номли китоблари ҳамда ўзларидек фидоий, меҳнатқаш, ҳалол ўғил-қизлари қолди. Бош фарзанди Алишербек шифокор, Шавкатжон - касб-хунар мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Шухратжон ва Тоҳирбек - тадбиркор, қизлари Маҳбуба ва Гулжаҳонлар ота касби ўқитувчилик билан шуғулланади. Турмуш ўртоғи Муҳаббат опа ўндан ортиқ неваралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Ўзининг фидоийлиги ва ҳалол меҳнати, ўткир билими, серқирра ижоди, тажрибали ташкилотчилиги билан меҳнат жамоасида ҳам, эл орасида ҳам обрў-эътибор қозонган Яраш бобо ўтган йили хасталик туфайли оламдан ўтган. Кўклам она заминни ўт ўланга буркаган шу кунларда ободонлаштириш баҳонасида ўғли Шавкатжон билан Яраш бобонинг қабрини зиёрат қилгани бордим. Қабр усти кўм-кўк майса билан қопланган. Заҳматқаш олим яхши кўрадиган икки дона лоллақизғалдоқ чироқдек ёнганча тонг насимда аста тебраниб турибди.

**Ҳайдар НАФАСОВ,**  
**2-сон касб-хунар мактабининг**  
**ёшлар билан ишлаш бўйича дирек-**  
**тор ўринбосари.**

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 76 йил тўлди. Юртимизнинг барча гўшаларидаги каби бизнинг туманимиздан ҳам бу урушга жуда кўплаб навқирон йигитлар жалб қилинган эди.

Толиб Ойназаров, Саит Тўракулов, Сайфулло Шойкулов, Жалил Мардонов, Ширинбой Арабов, Шариф Шаропов, Маҳмуд Темиров, Ғани Қаҳҳоров, Али Бозоровлар ғалабага ҳисса қўшиб қайтиб

эътибор топиб келаяпти.

Карим бобо Саидов менинг амаким эди. "Болам бу дорилоним кунларнинг қадрига етинглар. Ҳеч қачон уруш бўлмасин. Урушни бизлар кўрдик, сизлар номини

Хосият Диллаев - 1953 йил 26 октябрда Қамаш қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатган, 1968 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига кириб, 1974 йилда институтни мусиқа ва ашула ихтисослиги бўйича тамом-



## ХОТИРА - АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

Улардан ҳозирги кунда Майманоклик Мирза бобо Жўраев, Деновлик Эрка бобо Назаров, Муғлонлик Ҳайрулло бобо Шерматовлар ҳаёт. Уларни уруш хотираларини тингласангиз, фашист газандаларининг қилган хунрезликлари қалбингизни кўрқувга солади. Урушга лаънат ўқийсиз.

Мен Касби қишлоғида яшайман. Бизнинг қишлоғимиздан ҳам Иккинчи жаҳон урушига жуда кўплаб йигитлар кетган. Улардан Наби Каримов, Полвон Ғаниев, Карим Саидов, Худойберди Тилаков, Муродулла Шодиев,

келган.

Карим бобо Саидовнинг хонадонидан тез-тез бўлиб турараман. Турмуш ўртоғи Нор-тўра Чориева 90 ёшдан ошган. Уларнинг ҳолидан хабар оламан. Карим бобо урушдан кейин келиб туманимизда узоқ йиллар ошпаз бўлиб меҳнат қилган. Бир неча марта мукофотланган. Кўкрагини орден ва медаллар бебаб турар эди. Карим бобо оёғидан бир неча бор яранган. Ушбу Ватан химоячисининг вафот этганига 30 йилдан ошди. Фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб элда

ҳам эшитманг", деб тез-тез айтар эдилар. Амаким уруш ҳақида гапираётганида чуқур ўйга толар эди. Душманинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кирдикорлари у кишининг ўша пайтда кўз ўнгида намён бўлар эди, менимча.

Хотира - абадий, қадр муқаддас. Уруш қатнашчиларини хотирлаб, ён атрофимиздагиларни қадрлаб яшасак, ҳаётимиз янада гўзал бўлади.

**Инобат ҲАЙИТОВА,**  
**туман Реабилитация**  
**маркази раҳбари, ХДП**  
**туман Кенгаши депутати.**

тиришга қатнашиб, шу жойда яшаб қолишди. Мен ҳозир ҳам Сайхунобод туманида яшайман. Қирқ беш йил почталъон бўлиб ишлаб нафақага чиққанман.

## ВАФОДОР АЁЛ

Кўзи амаким уйлангач, мени фарзандликка олган эди. Олтиетти ёшлигимда Хўжайрондан у киши урушга жўнаб кетганларини эслайман. Мен Кўзи амакимни хотини-келинчак Рўза янгам билан қолдик. Биз ҳам урушдан кейин отам билан Сирдарёга кўчиб келганмиз.

Янгам бутун умр урушни лаънатлаб, амакимни кутиб яшади. Почталъонман. Янгам ишдан қайтишим билан "Сулаймонжон, мабодо амакингдан хат-хабар йўқми?"-дейишни ҳеч қанда қилмасди. Лекин, амаким урушдан қайтмади. Айзабод

қишлоғидан бир дўсти келиб, "Биз урушга чақирилган, Чирчикқа келиб ҳарбий тайёргарлик кўрдик. Мен ва Кўзини, яна кўплаб йигитларни мамлакатимизнинг ўша пайтдаги раҳбари урушга кетказмай Чирчикда олиб қолди. Кўзи билимли ва ғайратли йигит эди",-деб айтган.

Янгам бутун умр йўлга термула-термула етмиш ёшдан ўтиб вафот этди. Рўза янгамни умрининг охиригача ўз онамдек ардоқладим. У кишини вафодор аёл, садоқат тимсоли деб биланаман. Амакимнинг ҳам янгамнинг ҳам хотиралари ёдимда ҳаммиша барҳаёт.

**Сулаймон ЖўРАЕВ,**  
**меҳнат фаҳрийси, Сир-**  
**дарё вилоят Сайхунобод ту-**  
**мани.**

Биз Сирдарё вилоятида яшасакда, аслида Касбиликмиз. 1937 йилда Хўжайрон қишлоғида туғилганман. Иккинчи Жаҳон урушига амакиларим - Кўзи, Рўзи ва отам ҳам кетишган. Отам Муҳаммад Жўраев Германия устидан қозонилган ғалабани нишонлаб, соғ-омон қайтиб келган эдилар.

Отам, Тўхта ва Курсия амам, урушдан кейин Мирзачўлни ўзлаштириш учун ўз ихтиёрлари билан ҳозирги Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига кўчиб боришган. Ҳозир яшаб турган жойларимиз қиёғ ва қамишзор эди. Ҳар кун ҳар бир одам бир километр жойни қамиш ёки қиёғдан тонгда бориб шомгача базўр тозалаган. Хўжайронликлар билан бирга Комилон, Месит, Айзабод қишлоқларидан ҳам одамлар кўчиб борган эди. Улар чўлни ўзлаш-

## УЛАР УСТОЗ-ШОГИРД ЭДИ

лайди. Иш фаолиятини 1974 йилдан туман маданият уйида бадиий раҳбар вазифасидан бошлаган Хосият Диллаев, 1978-1986 йилларда маданият уйи директори, 1986-1997 йилларда мусиқа мактабида ўқитувчи ва сўнг 14-Болалар мусиқа ва санъат мактабида директор ҳамда 2003 йилдан маданият уйи бадиий раҳбари вазифаларида меҳнат қилди. У қаерда ишлаган, ўз вазифасига масъулият билан ёндошди. Жамоа эътиборини қозонди.

Хосият Диллаев бетакрор овоз соҳиби эди. Ўз истеъдоди билан кўшиқ шинавандаларининг эътиборини қозонибгина қолмасдан, санъатга ихлоси бор ёшларни тарбиялади. Унинг Исмоил Тўхтамишев сўзи билан айтилган "Ватан мадҳи", Абдулла Орипов сўзи билан айтилган "Хато қилишингни кутарлар", Омон Бурхон сўзи билан айтилган "Толполмайсиз", С.Ҳайдар сўзи билан айтилган "Наврўз муборак!" каби бир қанча кўшиқлари муҳлислар қалбидан чуқур жой олди.

Шогирдлари Абдужаббор Тошев вилоят телевидениесиде режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Шавкат Жўраев 16-

умумий ўрта таълим мактабида мусиқа фани ўқитувчиси, "Шухрат" медали соҳиби, Исмоил Тошев 14-Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, "Дўстлик" ордени соҳиби.

Яна бир шогирди Жўраҳон Шарипов 1957 йилда Муборак туманидаги Қарлик қишлоғида таваллуд топган. У 1977-2001 йилларда туманимиздаги маданият уйида фаолият кўрсатди. Жўраҳон Хосият Диллаевга шогирд тушди ва устознинг мумтоз кўшиқларини ижро йўларини ўрганди. Кўшиқларнинг моҳир ижрочиси бўлиб етишди.

Жўраҳон Шариповнинг "Сувора", "Хоразм сегоҳи", "Хоразм дугоҳи", "Чоргоҳ", "Дугоҳ" каби ўзбек халқининг ўлмас дурдоналарини ўзи мусиқа басталаган Тоштемир Ҳамидов сўзи билан айтадиган "Касбимсан" кўшиғи ҳамда "Айвонда қолиб кетдим", "Она юрт" каби кўшиқлари халқимиз қалбига муқим жойлашди.

Бу икки санъат фидоийси ҳозир орамизда йўқ бўлса-да, уларнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди.

**Бибисора МЎМИНОВА,**  
**туман маданият маркази режиссёри.**

Бу воқеа бир неча ўн йиллар олдин, пахта якка ҳокимлиги даврида бўлганди. Туманнинг биринчи раҳбари Фармон Омонов далаларни пиёда кезиб чиқар, камчиликларни ўз кўзи билан кўриб, мутасаддиларга тегишли топшириқларни берарди. Пахта униб чиқиши билан етти ёшдан етмиш ёшгача барча-барча гўза ягонасига жалб қилинарди ўшанда. Тумандаги барча ташкилот ходимлари шанба ва якшанба кунлари пахта ягонасидан қолмасди. Бир воқеа ҳаёлимда муҳрланиб қолган. Қоратеппа қишлоғидаги барча пахта далаларига тумандаги ташкилотларнинг ходимлари жалб қилинди. Ҳаммага гўза ягонаси учун майдонлари бўлиб берилди. Тушлик учун бир нечта қозонларда таом тайёрланаяпти. Қоратеппа қишлоғига кириш билан Фармон

Омонов далани кўздан кечира бошлади. Дастрўмолчаси билан тез-тез пешонасидан чиқаётган терни артиб кўярди. Шунда биз Холхўжа Сайдалиевнинг оқсоқол, кўпни кўрган, ажойиб инсон эканлигига гувоҳ бўлдик. Фармон Омоновни ёнига ҳеч ким

## ЯХШИЛАР ЁДИ

яқинлашолмас, у киши ким ёнига яқинлашса, ўшанга топшириқ бериб, ҳориб - чарчаб кетган эди. Шунда битта-юбитта одамгина унинг ёнига дадил боришга журъат қилди. Фармон Омоновни дарахтни соясига чорлаб, озгина дам олишга ундади. Ҳамма иш йўлга тушиб кетишини тушунтирди. Шундан кейин Фармон Омоновни кайфияти бир зумда яхшиланди. Барча ташкилот раҳбарларига ва

ягонада иштирок этаётган одамларга далда бериб, ёрдамларини аямасликларини айтиб, э, яшанг-э, бор экансиз-ку, - деб Холхўжа Сайдалиевни елкасига уриб кўйди. Биргина шу воқеа Х.Сайдалиевнинг ҳақиқий инсон бўлганлигидан далолатдек туюлади.

Холхўжа Сайдалиев ана шундай ҳар томонлама етук, эсли-хушли, фаҳм-фаросатли, зукко инсон эди.

Холхўжа Сайдалиев қурувчи бўлиб вилоятимизнинг жуда кўплаб ҳудудларида мактаблар, боғча-ясилар, маъмурий бинолар, клублар, уй-жойлар қурилишида бош-қош бўлган. Бу зукко ва ўз касбининг фидойиси бўлган инсоннинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу қолади.

**Бахтиёр БОБОМУРОДОВ.**



## ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН – МИРЗА БОБО

Уруш. Бу сўз қулоққа ёмон эшитилишини барчамиз яхши англаймиз. Юртимизни ундан Яратгани ўзи асрасин, дея дуолар қиламиз. Чунки уруш давоси йўқ дард, халқ бошига кулфат келтирган, инсон ҳаётини издан чиқарган иллатдир.

Иккинчи Жаҳон уруши ҳам дунё халқлари бошига мусибат ёғдиргани бор ҳақиқат. 7 йил давом этган ушбу уруш тугаганига 76 йил бўлибди ҳамки унинг жароҳати халқимиз ҳаётини ҳамон тарқ этмаган. Дунёни қайта бўлиб олиш учун қилинган ваҳшийликни гувоҳига айланган уруш қатнашчиларининг орамизда борлиги уруш ҳақидаги хотираларни ҳаёлимизда қайта-қайта гавдалантираверади. Боболар хотирасини эшитган ёшлар эса урушга давомли лаънатлар айтишаверади.

Яқинда 55-умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси ва мактаб директори Сирож Асадов бошчилигидаги мактаб раҳбарлари 100 ёшни қаршилаган Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, фахрий педагог Мирза Жўраев хонадонидан бўлишди. Мактаб жамоаси ота-хонни "Хотира ва қадрлаш куни" билан табриклаш асносида, у кишининг ҳаёт йўли, урушда бошидан кечирганлари ва 60 йиллик педагогик фаолияти ҳақида суҳбат қуришди.

Халқимиз озодлиги йўлида жанггоҳларда мардонавор курашган ва ёш авлодни билимли бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшган Мирза бобонинг бошидан кечирганлари биз учун ибрат мактабидир.

Отасини меҳр ардоғида парваришлаб, олтинга тенг дуосини олаётган Мирза бобонинг ўгли Шухрат Жўраев ва у кишининг оила-аъзоларининг турмуш тарзи ҳам барчамиз учун намуна десак, асло мубола қилмаган бўламиз.

Дунёда Мирза Жўраев сингари халқнинг бахтли турмуш кечириши учун мардонавор курашган инсонларнинг борлиги учун ҳам бугун биз дорилмомон ҳаётда бахтли авлод бўлиб ҳаёт кечираёпмиз.

**З.ХАЛИЛОВ.**



Хотира ва Қадрлаш куни" муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари уйларига ташриф буюриб, ҳолидан хабар олиш мақсадида туман му-

дофаа ишлари бўлими бошлигининг ўринбосари, захирадаги майор Ж.Мирзаев, Муборак туманида жойлашган ҳарбий қисм командирининг маънавий-

маърифий ишлари бўйича ўринбосари, капитан У.Файзиёв, ҳарбий қисм танк командир, кичик сержант О.Холиқулов ҳамда Чирчиқ олий танқ кўмондонлик муҳандислик билим юрти 3-босқич курсантлари Ш.Обидов ва Б.Жўраевлар уруш фахрийси Хайрулла Шерматов ҳолидан хабар олишди.

**А.УБАЙДУЛЛАЕВ, туман мудофаа бўлими Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи.**

Бугун эрта тонгдан қўлимга қалам тутиб, шу сўзларни ёзгим келди. Инсон умрини чақинга қийс-лашади. Бу нечоғлик рост эканлигини кечагина биз билан бирга юрганларнинг бугун орамизда йўқлигидан англаб етамиз, албатта. Уларнинг эзгу ишларини, мазмунли ҳаётларини ёдга олар эканмиз, инсонга Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳаёт отлиқ буюк неъматнинг нақадар омонатлигини, азиз-у мукаррамлигини, тинчликда, саломатликда ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини юракдан ҳис қилсан киши.

Ҳаётда шундай унитилмас туйғулар борки, уларни умр бўйи қалбларда сақлаш, ардоқлаш ҳар бир тирик инсоннинг бурчи ҳисобланади. Хотира ана шундай азиз туйғулардан биридир. Зеро, дунёдан ўтган инсонлар номини дилга жо этиб, уларнинг эзгу амалларини эсламоқ, хотирламоқ, эъзозлаб қадрламоқ биз учун қарз саналади.

**Умрнинг мазмуни эзгулик эрур, Шу қолур ҳаётнинг сўқмоқларидан. Яхшилик илмини ўрганмоқ зарур, Шогирдлар устозлар сабоқларидан.**

Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади. Шунинг учун курашиб яшайди. Инсонга Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳаёт отлиқ неъматнинг нақадар тотли ва омонатлигини тинч, осойишта, соғлиқда унинг қадрига етиб яшаш кераклигини қалбдан ҳис этасан киши. Кечагина биз билан бирга бўлган азиз инсонларимизнинг баъзилари орамизда йўқ. Ўзинг билган одам ҳақида сўз айтиш осон дейишди. Йўқ, ундай эмас экан. Шундай дўстларинг, яқин инсонларинг бўладики, бир-биридан гўзал, инсоний фазилатларининг қай бирини айтишни билмай қийналасан. Шундай инсонлар борки, улар умри давомида эзгу ва савоб ишларни амалга ошириб, элининг яқинларининг, шогирдларининг қалбига мангу яшайди. Шундай меҳрибон, мунис, жонқуяр устоз, маслаҳатгўй, баҳордек дилхуш, фаришта мисол оқкўнгил, қалби дарё ҳам опам, ҳам устозим деб билганим Замира опа Сайдалиева ҳаёт бўлганларида 59 баҳорни қаршилаган бўлардилар. Ўзлари ҳам баҳор фаслининг энг гўзал кунларининг бири, дарахлар тўкин гуллаган, файзли кун - 10 мартда таваллуд топганлар. Қалби баҳор-

дек мусаффо, кўнгли осмонлардек кенг, қувончларга кўшилиб қувонадиган, сиз ҳам чексангиз сизга кўшилиб қайғу чекадиган, инсонларга доимо яхшилик улашадиган ҳожатини чиқаришга ёрдам бериш, шикаста дардларга малҳам бўла оладиган, покиза қалбни аёл эдилар.

**Яхшилик қил, одам нақши дегансиз-ку, Яхши бўлсанг, ҳамма яхши дегансиз-ку. Кўп яхшини кўрдим устоз, лек ўзингиз, Яхшиларнинг энг яхшиси экансиз-ку!**

Замира опа 1984 йилдан бошлаб 16-умумий ўрта таълим мактабидан она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келдилар. Ҳар бир дарснинг зўр иштиёқ ва алоҳида тайёргарлик ҳамда маъсулият билан ўтар

## МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗИМ

эдилар. Ҳар куни дарсга, албатта, кўргазмалли куроллар ва ҳар хил шаклдаги бежирим саволли карточкалар тайёрлаб келардилар. "Бу ўқувчиларни ҳам изланишга, ҳам қизиқишига, ҳам билимларини оширишга катта ёрдам беради", - дер эдилар. Она тили дарсида машқ бажариш жараёнида машқдаги ҳар бир гапни ҳам синтактик, ҳам морфологик жиҳатдан эринмай таҳлил қилиб, ўқувчиларга пухта билим берардилар. Адабиёт дарсларида эса ўқувчини нутқини ўстиришга, шеърларни ифодали ўқишга алоҳида эътибор қаратиб, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан эса якка тарбида ишлардилар ва уларни ижод қилишга, кўпроқ китоб ўқишга ундар эдилар. Ҳамиша у кишининг ўғитлари ёдимда. Мен ўшанда янги ишга келган ёш ўқитувчи эдим. Тажрибам кам, дарс ўтиш усуллари ҳали яхши билмайман. Бир куни мени дарсимга таҳлилга кирдилар. Машғулотни ўтиб бўлганимдан сўнг, ёнларига чақириб, оналарча самимий тарзда камчиликларимни тушунтирдилар ва тез-тез устоз-ўқитувчиларнинг дарсига кириб, дарс ўтиш усуллари, ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ошириш йўллари ўрганишимни ва ҳар бир дасрга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келишимни ўқитгандилар. Яна шунинг ҳам таъкидлаган эдилар: "Сен, ахир, ўқитувчиларнинг нонини еб катта бўлгансан, албатта, сендан моҳир педагог чиқади",

**Хотира – азиз, қадр – муқаддас**

Замира

опа Сайдалиева турмуш ўртоғи Ботир ака Исломов билан тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб уларни илмли, ҳар томонлама маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаб вояга етказишди. Бугунги кунда фарзандларининг ҳар бири ўзи севган касбининг моҳир устаси, турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда. Энди болаларини камолини, бахту иқболлини кўриш вақтида, набираларини севиб - эркалаш чоғида оғир ситамли дард, узоқ давом этган касаллик туфайли 2018 йил 23 март куни шафқатсиз ўлим устозни орамиздан олиб кетди. Устоз бутун умри давомида ўзидан нурафшон из қолдирди.

Мана, азиз устозим, ўлкамизга яна сиз ёқтирган гўзал фасл - баҳор кириб келди. Сиз ёқтирган қоқиғул, бинафша, бойчечаклар яна ўсиб чиқди. Ер юзини кўм-кўк майсалар қоплади. Мактабдан қайтишда иккимиз суҳбат қуриб келадиган кўчамизнинг дов-дарахтлари куртак очиб, барг ёзди. Аммо, аммо сиз йўқсиз. Ҳозир Сиз ҳақингизда ёзаяпман-у, ўзимни йиғидан тўхтата олмаяпман. Бўғзимга нимадир тиқилди. "Дод", -деб фарёд солиб йиғлагим келди. Қўлла-рим қаламини ушлолмай қолди...

Қулиб турган юзингиз кўз ўнгимда, яхшиликка, эзгуликка ундовчи сўзларингиз ҳаммиша қалбимда қолиб кетди.

Зеро, шоир айтганидек:

**Ёдимда, нур сочиб турган юзингиз, Бизга ибрат эди айтган сўзингиз.**

**Нечун, кўзларимга суртмай изингиз, Меҳри тоғдек баланд хирмон устозим, Дийдори бир умр армон устозим.**

Ҳа, меҳрибон муаллим, садоқатли, вафодор дўст, дилкаш ва самимий опа, жонқуяр устоз, юзлаб шогирдлари, маҳалладошлари, мактаб жамоаси қалбига мангу яшайди.

Устоз! Қабингиз нурларга тўлсин, охиратингиз обод бўлсин!

**Нилуфар КАРОМОВА, 16-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**



## ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Юртимиздаги эл хизматида бўлган барча соҳалар каби ИИБ кинология хизмати ходимлари ҳам ўз касби билан канчалик фахрлансалар арзийди. Вилоят ИИБ кинология хизмати ходимлари ҳам ўз бурчини сидкидилдан адо этиб келишмоқда. Юртимизда жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларни фойдаланишдан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирда вилоят патруль пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кинология хизмати худудий бўлимларида 57 бош хизмат итлари мавжуд.

Сўнгги йилларда мазкур касб эгалари ўртасида республика-мизда "Кўпкураш" мусобокаси мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу хизмат ходимларига давлатимиз томонидан эътибор янада кучайтирилди. Яқинда Республика ички ишлар органлари Кинология бўлимларига махсус жиҳозланган "Дамас" автотранспорт воситалари топширилди. Ҳозирда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматининг ходимлари хизмат итлари ёрдамида ва тезкор тергов гуруҳи билан воқеа жойига чиқиб, жиноятни иссиқ изидан очиб келмоқда. Жумладан, кинология хизмати инструктор кинолог, сафдор Р.Йўлдошов "Яга" лакабли хизмат ити

билан, 1-сон кинология гуруҳи кичик инспектор кинологи, сафдор А.Баҳранов "Бела" лакабли хизмат ити билан, 1-сон кинология гуруҳи кичик инспектор кинологи, сафдор О.Лутфиев "Нора" лакабли хизмат ити билан, кинология хизмати бўлим бошлиғи, катта сержант Рустам Ёкубов "Сибир" лакабли хизмат ити билан, 3-сон кинология гуруҳи камандири, катта сержант Б.Маманазаров "Нола" лакабли хизмат ити билан, 3-сон кинология гуруҳи кичик инспектор кинологи, сафдор Х.Махсумов "Рено" лакабли хизмат ити билан, 3-сон кинология гуруҳи кичик инспектор кинологи, сафдор Ж.Туропов "Силва" лакабли хизмат ити билан, 3-сон кинология гуруҳи кичик инспектор кинологи, катта сержант Ш. Рўзиев "Нала" лакабли хизмат ити билан, 2-сон кинология гуруҳи командири, Х.Одилов "Рембо" лакабли хизмат итлари билан жиноятларни "Иссиқ изидан" очиб келишмоқда.

**Зокир НОРМУРОДОВ,**  
вилоят ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати ФМБ бошлиғи, майор.

**Суратда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати бўлим бошлиғи, катта сержант Рустам Ёкубов, сафдорлар Равшан Йўлдошов, Жасур Туропов, Ҳасан Махсумов ҳамда катта сержант Шокир Рўзиевлар хизмат олди-дан.**

Аждодларимиз томонидан олов кашф этилмаганда, ер юзида тараққиёт бу қадар шиддат билан ривожланмаган, инсоният бугунги муваффиқиятига эришмаган булар эди. Чиндан ҳам оловсиз бир кунимиз ўтишини тасаввур қилолмаймиз.

Олов бугун биз учун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бироқ юқорида таъкидлаганимиз, олов қанчалик мўъжизаларга эга бўлмасин, у дахшатлироқ талофатга ҳам қодир. Буни эса ҳар доим ҳам уйлаб кўравермаймиз.

Айниқса, бугунги кунда замонавий фан техника тараққиёти оловнинг инсон ҳаётига бўлган хавфини янада кучайтирди. Буни олов ёқишга мўлжалланган ёки ўзидан ўт чиқариши мумкин бўлган тур-

ли хил воситаларнинг кўпайиши билан изоҳлаш мумкин. Баъзи ҳолларда ҳеч қандай

## ЭҲТИЁТКОРЛИК ЗАРУРАТ

хавфсизлик қоидаларига жавоб бера олмайдиган қўлбола ускуналарни фойдаланиш учун сотувга чиқарилаётганлиги, фуқароларнинг эса улардан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйишаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бугунги кунда фуқаролар хонадонларида содир бўлаётган аксарият ёнғинлар ана шундай қўлбола ускуналардан фойдаланиш ва уларни назоратсиз қолдирилиши ва ёш болаларни гугурт билан ўйнаши оқибатида ўтган ойлар давомида туманимизда 10 та

ёнғин содир бўлиб, ушбу ёнғинлар 2 нафар фуқаро турли даражадаги куйиш тан жароҳатлари олиб шиғохонга

ётқизилди. Шунингдек, ушбу ёнғинлар натижасида фуқаролар катта миқдорда моддий зарар кўрди.

Мисол учун 2021 йил 28 февраль куни "Касби" қишлоғида яшовчи фуқаро Ш.С.нинг яшаш уйида "Электр симини" қисқа туташуви" натижасида ёнғин содир бўлиб, яшаш уйига катта миқдорда зарар етган.

23 апрель куни эса Тошқўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Ж.Э.нинг яшаш уйи ховлисидаги сомонхонасида ёш боланинг гугурт билан ўйнаши натижасида

ёнғин содир бўлиб, сомонхонага катта миқдорда зарар етган.

Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш борасида, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Буни фуқароларимиз тўғри англаб етишса, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишса, энг муҳими эҳтиётсизликка йўл қўйишмасан, хонадонлари тинч осойишта бўлади.

**С.ХАЙДАРОВ,**  
туман ФВБ бошлиғи  
**Ўринбосари П ва НБ бошлиғи,** катта лейтенант.  
**Ж.ХАЙДАРОВ,**  
туман ФВБ етакчи инспектори.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилигимиз ва суверинететини мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини беvosита амалга оширишда Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалари бошқарувчининг асосий шаклларида бири эса ўзаро келишилган ҳолда хизматни ташкил этиш ҳисобланади. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларни

хам зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзаро келишилган ҳолда ҳамкорлик қилиши белгиланган. Бундан ташқари ҳуқуқни

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСINI

### амалга оширувчи органлар ҳамкорлиги

муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат тартибини сақлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида "Жаҳолатга қарши маърифат" эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва бартараф этиш-

га биринчи навбатда экстремистик оқим мафқураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш каби устувор йўналишлари ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат, унинг тегишли органлари - жамиятда

тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун, энг муҳими инсоннинг муқаддас ҳуқуқи - яшаш ҳуқуқини жинсий таъжувлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилган. Ички ишлар органлари шундай органларидан бири бўлган Давлат Хавфсизлик Хизмати билан ҳам муайян йўналишларда ҳамкорлик қилади. Шунинг учун ҳам мазкур субъектлар-

нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини борасидаги вазифалардан келиб чиқиб уларнинг ҳамкорлиги қуйидагича тартибланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғрисида" ги, қонунлари ва бошқа қонун

ҳужжатлари асосида тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, содир этишга мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек, чегара ва тоғли худудларда туташ

## ID-КАРТАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТИЗИМИ

Идентификация ID-карталарини олиш ва алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига, уларни алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига ҳам мурожаат қилиши мумкин. Идентификация ID-карталарини олиш учун Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига, алмаштириш учун эса ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига мурожаат қилиш имконияти мавжуд. Идентификация ID-картасининг бланкисига эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилади. Фуқаро ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавоб-

гарликка тортилмайди. Янги туғилган болага идентификация ID-карталари мажбурий берилмасдан, унинг туғилиши ФХДЭ органи томонидан қайт этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганлигидан сўнг, ота-онаси, васийлари (хомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилиши мумкин. Идентификация ID-карталари белгиланган худжатлар қабул қилиб олингандан сўнг бир иш куни мобайнида расмийлаштириб берилди.

Идентификация ID-карталари расмийлаштириш учун мурожаат ўзгалар ёрдамида муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушганда маъсул ходим томонидан 15-кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда Идентификация ID-картаси расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди. Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортлари ҳамда фуқаролик бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини Идентификация ID-карталарига алмаштириш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 2021-йил 1-январдан 2022-йил 31-декабргача ихтиёрийлик асосида 16 ёшга тўлганда ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра иккинчи босқичда 2023-йил 1-январдан 2030-йил 31-декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011-йилги نامундаги биометрик паспорти 2031-йил 1-январдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бож тўғрисида" ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

**О.ТЕМИРОВ,**  
туман ИИБ М ва ФРБ бошлиғи, катта лейтенант.

бўлган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқларда аҳоли ва чегара хавфсизлигини таъминлашда яқдиллик билан чора - тадбирларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари ўртасидаги ҳамкорлиги хавфсизликка таҳдид соладиган иллатларнинг, жумладан, диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларни очиш давлат чегаралари дахилсизлиги таъминлашда ўз аксини топади.

**Меҳроҳ АШУРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси 3 - ўқув курси курсанти.

**Савол: Меросни ҳада қилиш мумкинми?**

**О.Ҳақимов Соҳибкор маҳалласи.**

Жавоб: Мерос бўлиб ўтган мулкка нисбатан қонун бўйича ёхуд вассиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олинган, ўз улушини, агар мулк тўла ҳолда мерос бўлиб ўтган бўлса, барчасини ҳада қилиш мумкин.

**Савол: Она вафот этган фарзанднинг меросига меросхўр бўлади-ми? Ўғлининг вояга етган икки нафар фарзанди бор. Онаси ўғлининг фарзандлари билан тенг ҳуқуқли меросхўрми?**

**Ж.Жумаев Хўжайрон маҳалласи.**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар мерос қолдирувчининг бо-

## САВОЛ-ЖАВОБ

лалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

**Савол: Автомашинани**

**кимлар ишончномасиз бошқариши мумкин?**

**Ю.Тангриев, Дўстлик маҳалласи.**

Жавоб: Транспорт воситаси эгасининг ота-онаси эри (хотини), болалари, ака-укалари, опа-сингиллари транспорт воситасини ишончномасиз бошқариши мумкин:

Ушбу яқин қариндошлар ҳақида маълумот (фамилияси, исми, отасининг исми, қариндошлик даражаси) транспорт воситаси эгасининг суғурта полисида кўрсатилган бўлиши керак.

**Саволларга Касби туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўра ХУДОЙ-БЕРДИЕВ жавоб берди.**

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланган. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб бо-



ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш

## АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

ришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларида фуқаролар билан юзага келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечими ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камида бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади. Афсуски, юртимизда мустақилликдан сўнг кенг кўламда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Шу боис, мамлакатимизда илк бор 2023 йилда

тадбирга айна пайтда қизгин тайёргарлик кўрилмақда.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудидида миллий, элатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъий назар бирдек манфаатдоримиз. Боиси, мазкур йили ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони (2021 йил 1 январь ҳолатига республика аҳолиси 34 558,9 минг киши ташкил этган), фуқа-

ролиги, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сони, уй ҳўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

**О.ШОДИЕВ,**  
туман Статистика бўлими етакчи мутахассиси.

## ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида 2021 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори қабул қилинди. Унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўплаб масалалар қайд этилган.

Қарорда кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилиш ва уни кўриб чиқиш ҳамда уларни тўлаш тартиби, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам учун тўловларни молиялаштириш тартиби қайд этилган.

Шунингдек, давлат ва нодавлат умумтаълим ташкилотларида ўқувчини ўқишга қабул қилишдан бошлаб битиргунга қадар (ўқишга қабул қилиш, синфдан - синфга ўтказиш, ўқишни кўчириш, ўқишни тугатиш ва бошқалар) тегишли буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар фақат ягона электрон маълумотлар базасида шакллантирилишини ва расмийлаштирилишини таъминлаш, 2021 йил 1 апрелга қадар Мактабгача таълим тизимида мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар бўйича тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган ягона электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиши ҳамда унинг "Ягона реестр" АТ билан интеграция қилинишини таъминлаши белгиланган.

"Ягона реестр" АТ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси кўшма иш режаси асосида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан берилган грантлар ҳамда Жаҳон банкининг кредитлари, шунингдек, уларнинг техник ва эксперт жиҳатидан қўллаб-қувватлаши ҳисобидан ишлаб чиқиши ва жорий этилиши, "Ягона реестр" АТ имкониятларини методик жиҳатдан доимий равишда такомиллаштириб бориш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади. "Ягона реестр" АТ белгиланган тартибда тўлиқ қабул қилингандан сўнг Пенсия жамғармаси унинг эгаси ва фойдаланувчиси ҳисобланади.

**Ихтиёр РАҲМОНОВ,**  
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи ўринбосари.

### Эълон ва билдирувлар

Касби туман ҳудудларидан туман захирасида бўлган **А.Навоий ҳудудидан 353к.351к.365.366.367-контурлардан** жами 17,9 гектар, шундан 17,1 гектар ер майдонларини пахтачилик-ғаллачилик йўналишлари бўйича **ТЕНДЕРГА ҚЎЙИЛАДИ.**

**ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.**

\* \* \*

Касби туман ҳудудидан туман захирасида бўлган **Ғалаба ҳудудидан 408к.контуридан** жами 18,5 гектар, шундан 18,0 гектар ер майдони чорвачилик йўналиши бўйича **ТЕНДЕРГА ҚЎЙИЛАДИ.**

**ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.**

\* \* \*

Касби туман ҳудудларидан туман захирасида бўлган ер майдонларини қуйидаги тартибда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш йўналиши бўйича Касби тумани Х.Ҳўжақулов ҳудудидан 42, 44-контурлардаги жами 5,43 гектар, шундан 4,01 гектар бўз ер майдонлари тендерга қўйилади.

**ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.**

\* \* \*

Касби туман ҳудудларидан туман захирасида бўлган ер майдонларини қуйидаги тартибда паррандачилик йўналиши бўйича Касби тумани Наврўз ҳудудидан 394, 264-контуридан жами 8,83 гектар, шундан 8,4 гектар бошқа ер майдонини тендерга қўйилади.

**ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ.**

\* \* \*

"Рахимова Мингнор Раимқуловна" кўп тармоқли фермер хўжалиғи айлана муҳри ва тўртбурчакли тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

\* \* \*

"Садоқат" газетаси муҳарририяти ходимлари "Хазина" газетаси бош муҳаррири Даврон Султоновга волидаи муҳтарамаси

**ОЙРЎЗ момонинг**

вафот этганлиги сабабли таъзия изҳор этди.

## КАСБИДА УН ЗАВОДИ ҚУРИЛАДИ

Туманимизда яқинда иш бошлаган "Asqar Trans Gold" ғаллачилик кластери жорий йил иккинчи ярмида ун заводини ишга туширишини маълум қилди.

Қурилиш лойиҳа қиймати 5,5 миллиард, дон янчиш ва қадоқлаш техникалари учун 200 миллион АҚШ доллари сарфланади. "Касби саноат зонаси" ҳудудидидаги эски бинолар қайта таъмирланиб ва сандвич панеллардан фойдаланган ҳолда қурилиш ишлари август ойида ниҳоясига етади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига байрам тўғрисида Касби ун заводини ишга туширамиз,- дейди кластер раҳбари Абдор Мустафоз.

**Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.**

## ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, туманимиз инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада оширади.

Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтаиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни бевосита айбдорлардан ундириш белгилаб қўйилган.

**А.ТЕМИРОВ,**

туман Статистика бўлими бош мутахассиси.

## ХАТИНЬ

Белорусь диёрида бор сукунат қишлоғи, Совуқ уруш тимсоли, -йиғламай қайтолмайсан.

Кўз ўнгингда намоён, манфур урушнинг доғи, "Хатинь" тассуротин кўз ёшсиз айтолмайсан.

Фашист газандасининг бўлганми қалб-юрағи?

Инсонни тириклайин ким уйга қамаб ёқар?

"Одамми у шафқатсиз?" шу ҳамманинг сўроғи,

Ўчсин, урушнинг номи инсоният тинч яшар.

**Ботир ИСЛОМОВ.**  
28.04.2021 йил.

Хар йили 12 май - Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда нишонланиб, ҳамшираларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади.

Ҳозирги пандемия туфайли халқлар ва элатлар бир оиладек бирлашиб ҳаракат қилмоқда ва мана шундай даврларда шифокор-у, ҳамшираларга бўлган эҳтиром ва ҳурматимиз янада ошмоқда. Зеро, ҳамшира деганда кўз ўнгимизга қўли енгил, сўзи ширин, юзи кулиб турадиган ва ҳар қандай вазиятда

ўтказиш жараёнидан тортиб, операциядан кейинги бемор парвариши, лаборатория-диагностика соҳаси, она-бола парвариши, шошинч ва тез тиббий хизмат, санитария-эпидемиология, фармацевтика каби қатор соҳаларида юртимизда фаолият юритиб келаётган ҳамшираларнинг ўрни бекиёс. Шу жумладан, уйма-уй юриб, оиладаги тиббий маданият даражасининг юқори бўлишида улкан ҳисса қўшиб келаётган патронаж ҳамши-

Мухайё Авазова, шошинч болалар кундузги ҳамшираси - Вазира Фармонова, шошинч операция ҳамшираси - Муниса Панжиева ҳамда навбатчи ҳамширалар - Гули Бердиева, Мухаррам Шарипова, Чаман Хайитова, Шоҳида Йўлдошова ўз меҳнатлари билан халқ меҳри ва ҳурмати сазовор бўлишмоқда.

Айни кунларда юртимизда 50 минг нафардан зиёд ҳамширалар корона вирус инфекциясига

**12 май - Халқаро ҳамширалар куни**

**АМАЛИЙ ФАНЛАР ОЙЛИГИ**

Апрель - амалий фанлар (тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа маданияти, технология фанлари) ойлиги бўлиб, ойлик бизнинг мактабимизда намунали ташкил этилди.

Амалий фанлар метод бирлашмасининг фан ойлигини ўтказиш юзасидан режаси тузилиб, ойлик режа асосида уюштирилди. Мактаб директори С.Асадов, ўринбосарлар Б. Рустамов, М.Худойкулов, М.Ҳамроев, Ёшлар Иттифоқи раиси И.Маматов, амалий фанлар услубий



бирлашмаси раҳбари Ф.Абдуллаев ҳамда фан ўқитувчилари режада кўзда тутилган барча тадбирларни мунтазам равишда ўтирилишига эътибор қаратганликлари фан ойлигини самарали натижа беришини таъминлади. Ойлик бошланишида ва якунида ўқувчилардан олинган тест натижалари таҳлил қилинди. Ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар фан ойлиги бошланишида олинган тест натижалари таҳлили орқали аниқлаб олинди ва бу бўшлиқларни ойлик давомида тўлдириб боришга эришилди.

Мактабимизда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, мусиқа маданияти борасидаги янгиликларни ёшлар онгига сингдиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада шогирдимиз Қарши санъат коллежининг Вокал-Академик хонандалик фани ўқитувчиси Сирож Ҳамроев томонидан «Маҳорат дарси» ташкил этилганлиги ўқувчиларнинг мусиқа фанининг сир асорларини пухтароқ ўрганишларига замин яратди.

Ойлик давомида тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа маданияти, технология фанлари ўқитувчиларининг очиқ дарслари уюштирилиб борилди. Дарсларнинг ютуқлар эътироф қилиниб, камчиликларни тузатиш йўллари ўрганилди.

Фан кечалари ташкил этилганлиги ёшлар салоҳиятини оширишга хизмат қилди. Буюк саркарда Амир Темур ва халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд кунларига бағишланган тадбирлар ташкил этилиб, юқори савияда нишонланди. Тадбирлар ўз муддатларида жуда юксак савияда ўтказилди.

**Зокир ФАЙЗУЛЛАЕВ,**

**55-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси.**

**ПАЗАНДАЧИЛИКДАН МАҲОРАТ ДАРСИ**

Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ҳар томонлама билим олишини таъминлашда мактабларда олиб борилаётган анаъанавий машғулотлар билан бирга маҳорат дарсларининг ҳам аҳамияти катта. Ўқувчи маҳорат дарси давомида мавзуга оид барча маълумотларни пухта ўрганиши тажрибадан яхши маълум. Айниқса, технология фанларида бу усул жуда қўл келади. Биз ҳам ўқувчиларга дарсларни мукамал ўтказиш учун маҳорат дарсларини ташкил этишга эътибор қаратамиз. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бераётир.



Технология фанидан сервис хизмати йўналиши бўйича ўтказилган тадбирлардан бири "Пазандалик ҳафталиги"да 5 - 9 синф ўқувчилари қатнашди. Ёшлар дарс мобайнида ўрганган миллий таомлар пишириш, пишириқлар, тортлар тайёрлаш ва дастурхон безатиш санъатини намойиш этишди. Пазанда кизларга, "Моҳир пазанда", "Энг ширин таом эгаси", "Энг чиройли дастурхон", "Қўли ширин пазанда" номинациялари берилди. Бундан

ташқари ўқувчилар томонидан турли хил кўринишдаги миллий ва замонавий кийимлар кўرғазмаси ташкил қилинди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, 9-синфлар ўртасида "Мен танлаган касб" мавзусида тақдимот ўтказилди. Бунда ўқувчилар ҳар бир касбнинг моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида гапириб беришди. Шунингдек, мактабда "Моҳир қўллар" тўғараги аъзолари томонидан кўрғазма ташкил қилинди.

**Хосият ТОЖИЕВА,**  
**55-умумий ўрта таълим мактабининг ўқитувчиси.**

**ДАРДГА ДАРМОН, ҲАМШИРАЛАР**



беморга беминнат кўмак беришга тайёр малакали мутахассис гавдаланади. Тиббиёт масканларида фидойи бўлиб, ўзига юклатилган бемор парваришини сидқидилдан меҳр билан амалга оширадиган соҳа вакиллари 12-май куни касб байрамини нишонлашади.

Дарҳақиқат, тиббиёт соҳасини ҳамширалар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Соҳадаги энг сўнгги тиббиёт технологиялари асосидаги операцияларни муваффақиятли

раларнинг меҳнати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Туманимиз тиббиёт бирлашмасида ҳам меҳнатсевар ва жонкуяр ҳамширалар бисёр. Жумладан, туман тез тиббий ёрдам бўлимида Асолат Муртозаева, навбатчи фельдшер - Шоҳишта Шерназарова, навбатчи дори қадоқловчи - Жумагул Ҳасанова, хўжалик бекаси - Турдигул Каримоваларнинг жонкуярлиги таҳсинга лойиқ.

Шунингдек, Шошинч хирургия бўлими ҳамширалари боғлов ҳамшираси -

қарши тинимсиз кураш олиб бормоқда. Халқимиз ҳамшираларнинг корона вирусга чалинган беморларни даволаш йўлида тинмай, ҳатто ўз соғликларини хавф остига қўйиб бўлсада даволаётганига гувоҳ бўлишмоқда. Уларнинг бу қаҳрамонликлари ҳар қанча қўллаб-қувватлашга арзийди.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги уч юз минг нафардан зиёд фидойи, касбига садоқатли ҳамширалар халқимизнинг бугунги синови кунлардан эсон-омон ўтиб олишида катта мадад ва сабабчи бўлмоқда.

Ҳозирда давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида Ватанимиз ва халқ олдидаги бурчини теран англаб, астойдил меҳнат қилаётган ҳамшираларни Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қўллаб-қувватлаш, оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва шарафли ишда муваффақият тилаймиз!

**Баҳодир ҲАСАНОВ,**  
**«Садоқат» газетаси махсус муҳбири.**

**ИЛК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ДАРГОҲИ**

Хар йили юртимизда мусиқа санъатини ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда мен фаолият юритаётган туманимиздаги 8-Давлат мактабгача таълим ташкилоти жамоаси ҳам мудири Садоқат Фойибова раҳбарлигида ушбу ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бизнинг ДМТТда жамми 190 нафар тарбияланувчилар бўлиб, улар 8 гуруҳда тарбияланади. Болажонларга "Илк қадам" дастури асосида турли қизиқарли машғулотлар ва тадбирлар ташкил қилинади. Тарбияланувчиларга Ватан, она мавзуларидаги кўшиқлар ҳамда миллий ашула ва рақслардан сабоқ берамиз. Болажонлар машғулотлар давомида ўрганган кўшиқлар, рақс ва



лапарлар билан туманимизда ўтказиладиган Наврўз, мустақиллик каби байрамларда фаол иштирок этишади.

Карантин даврида онлайн машғулотлар ўтказилди. Ушбу машғулотларда асосий эътибор болажонларда она-

Ватанга муҳаббат, дўстлик, катталарга ҳурмат каби фазилатларни шакллантиришга қаратилмоқда.

**Улугбек РЎЗИЕВ,**  
**8-Давлат мактабгача таълим ташкилоти мусиқа раҳбари.**

ISSN 2010-8753  
**SADOQAT**  
MUASSIS:  
Qashqadaryo viloyat Kasbi tuman hokimligi va xalq deputatlari tuman Kengashi

**Bosh muharrir v/b :**  
**Ziyodulla XALILOV**  
Gazetaning ro'yxatdan o'tgan tartib raqami: 14-082  
(Qashqadaryo viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2012 yil 7 sentabrda ro'yxatdan o'tkazilgan)

MANZILIMIZ:  
180600. Kasbi tumani, Mug'lon shaharchasi. Do'stlik ko'chasi, 21-uy.  
Telefonlar:  
Muharrir: +998(97)291-11-33  
Xatlar, reklama va e'lonlar uchun: +998 (91) 473-71-70  
E-mail: sadoqat.info@mail.ru  
Shodiyev Odil (99) 660-74-49 aqa

Tahririyat maqoladagi ma'lumotlar uchun javobgar emas.  
Nashr uchun mas'ul:  
B. RAJABOV  
Sahifalovchi:  
B. HASANOV  
Indeks: 64780 Buyurtma №186  
Nusxasi: 616

"SADOQAT" gazetasi kompyuter markazida sahifalanib, "Photo Express" ICHKda ofset usulida chop etildi.  
KORXONA MANZILI:  
Qarshi shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 22-uy.  
Terishga berildi: 8:30  
Bosishga ruxsat etildi: 16:20.